

XVII. ХУҚУҚБУЗАРЛИК

Жиноятчилик – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Рўйхатга олинган жиноят – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий ҳавфга эга ҳатти-ҳаракат.

Жиноятларни содир этган шахслар – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра 2018 йилда 49011 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 33,5 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 14,9 ҳолатни ташкил этмоқда.


2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик





**2018 йилда барча хизмат йўналишлари бўйича жиноятларнинг даражалари
бўйича ҳудудлар бўйича сони, бирлик**

	<i>Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар</i>	<i>Унча озир бўлмаган жиноятлар</i>	<i>Озир жиноятлар</i>	<i>Ўта озир жиноятлар</i>
Ўзбекистон Республикаси	49011	15394	8778	2082
Қорақалпоғистон Республикаси	1968	551	417	55
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	3494	965	636	156
Бухоро	2972	968	399	112
Жиззах	1878	643	325	61
Қашқадарё	2918	890	524	131
Навоий	2067	581	401	103
Наманган	3498	1089	727	94
Самарқанд	5215	1647	723	280
Сурхондарё	2322	707	345	84
Сирдарё	1295	512	147	52
Тошкент	6240	2479	917	235
Фарғона	5362	1557	868	168
Хоразм	1771	526	354	73
Тошкент ш.	7148	1666	1823	466

**Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар кесимида рўйхатга олинган
жиноятлар сони, бирлик**



Рўйхатга олинган жиноятларнинг барча хизмат йўналишларида
 жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирлик



Жиноятлар таркиби хуудлар бўйича тахлил қилинганда қуйидаги хулосаларни беради: агар содир этилган жиноятларнинг оғирлиги нуқтаи-назаридан қаралса, кўринадики, Тошкент вилоятида жами содир этилган жиноятларнинг 39,7 %, Сирдарё вилоятида 39,5 % унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этади; оғир жиноятлар эса Наманган вилоятида 20,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида 21,2 % ва Тошкент шаҳрида 25,5 % ни ташкил этган; ўта оғир жиноятлар Самарқанд вилоятида 5,4 %, Тошкент шаҳрида эса 6,5 % ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг барча хуудларида 2018 йилда 2017 йил билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Сирдарё вилоятида 50,0 % га, Хоразм вилоятида 39,1 % га, Қашқадарё вилоятида 35,0 % га, Фарғона вилоятида 34,0 % га, Навоий вилоятида 33,0 % га, Самарқанд вилоятида 32,2 % га, Бухоро вилоятида 29,3 % га, Сурхондарё вилоятида 25,2 % га, Тошкент вилоятида 25,0 % га, Наманган вилоятида 24,0 % га, Андижон вилоятида 22,5 % га, Жиззах вилоятида 20,0 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 31,2 % га ва Тошкент шаҳрида 49,1 % га.

Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 2891 тадан 2082 тагача (28,0 %га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 10334 тадан 8778 тагача камайган (15,1 % га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2017 йилга нисбатан (24783 та ҳолат) 2018 йилда 15394 тани ташкил этиб, 37,9 % га камайган.

Хуудлар бўйича 2018 йилда энг кўп рўйхатга олинган жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (7148 та жиноят), Тошкент вилоятида (6240 та жиноят) ва Фарғона вилоятида (5362 та жиноят) кузатилган. Энг кам жиноятлар сони эса Сирдарё вилоятида (1295 та жиноят) кузатилган.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг
ҳар 10,0 минг аҳолига тўғри
келадиган энг кам сони

Рўйхатга олинган жиноятларнинг
ҳар 10,0 минг аҳолига тўғри
келадиган энг кўп сони



Сурхондарё вилояти
9,1



Қашқадарё вилояти
9,2



Хоразм вилояти
9,7



Қорақалпоғистон
Республикаси
10,6



Андижон вилояти
11,5



Наманган вилояти
12,8



Самарқанд вилояти
13,9



Жиззах вилояти
14,0



Фарғона вилояти
14,7



Сирдарё вилояти
15,7



Бухоро вилояти
15,8



Навоий вилояти
21,4



Тошкент вилояти
21,7



Тошкент шаҳри
28,7

2018 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар турлари бўйича сони, бирлик

	2017 йил	2018 йил		
Ўғрилик	12705	7850	↓	
Фирибгарлик	9645	6483	↓	
Иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар	10082	6704	↓	
Гиёҳ вандлик билан боғлиқ жиноятлар	3539	3172	↓	
Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш	2798	2103	↓	
Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	376	222	↓	
Безорилик	1736	1007	↓	
Қасддан баданга оғир ишқаст етказиш.	1397	1171	↓	
Талончилик ва босқинчилик	1189	589	↓	
Қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга ўриниш	519	432	↓	


Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш 41,0 % га, талончилик жинояти 54,0 % га, босқинчилик жинояти 42,2 % га, безорилик жинояти 42,0 % га, порахўрлик 34,9 % га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш 24,8 % га, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар 33,5 % га, фирибгарлик 32,8 % га, гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар 10,4 % га, қасддан баданга оғир ишқаст етказиш 16,2 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 16,8 % га камайган.

Шу билан бирга, дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 33,8 % га, велосипед ва мопедларни тунаш 35,1 % га, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 40,4 % га камайган.

2018 йилда вояга етмаган жиноят содир этганларнинг жами жиноят содир этганлар ўртасидаги улуши



Жами жиноят содир этган шахсларнинг 1100 нафари вояга етмаган шахслардир



Жами жиноят содир этганларнинг 1100 нафари ёки 21,0 % вояга етмаганлар ташкил этади. Жами жиноят содир этганларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 3,3 %, Сурхондарё вилоятида 3,1 %, Наманган вилоятида 2,9 %, Бухоро вилоятида 2,6 %, Фарғона вилоятида 2,5 %, Хоразм вилоятида 2,4 %, Самарқанд вилоятида


2,1 %, Тошкент вилоятида 2,0 %, Тошкент шаҳрида 1,9 %, Андижон ва Жиззах вилоятларида 1,8 %, Сирдарё вилоятида 1,5 %, Қашқадарё вилоятида 1,3 % ва Навоий вилоятида 1,2 % ни вояга етганлар томонидан содир этилган жиноятлар ташкил этади.

2017 йилга нисбатан таққосланганда айрим вилоятларда ушбу кўрсаткич камайиши кузатилган, масалан, Тошкент вилоятида 0,7 %, Қашқадарё вилоятида 0,5 %, Фарғона вилоятида 0,4 %, Андижон вилоятида 0,3 % Тошкент шаҳрида 0,6 %, кичик ижобий ўзгаришлар кузатилди.

2018 йилда жиноят содир этган шахслар, бирлик


Аёллар

7075 киши



Эркаклар

44700 киши



Жиноят содир этган шахслар сони жами 51775 кишини ташкил этиб, 2017 йил билан таққосланганда 34,2 % га камайган. Шулардан 40657 нафари жиноий жавобгарликка тортилган ёки 2017 йилга нисбатан жиноий жавобгарликка тортилганлар сони 78,5 % ни ташкил килади.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 37,9 % га, эркеклар томонидан жиноят содир этиш эса 33,5 % га камайган.

Жиноят содир этган шахслар сони жинси, ёши ва жиноят содир этган аёллар хуудлар кесимида




Жиноят содир этган шахслар жинси ва ёши бўйича


жинси бўйича:



ёши бўйича:



Жиноят содир этган аёллар сони хуудлар кесимида, бирлик



Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича тахлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар орасида 42,0 % га, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида 37,8 % га жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этган шахслар сони

Гуруҳ бўлиб - **14603** киши

↓ **37,4 %**

2017 йилга нисбатан



Мастликда - **1157** киши

↓ **30,6 %**

2017 йилга нисбатан

Аввал жиноят содир этганлар -
4941 киши

↓ **49,9 %**

2017 йилга нисбатан



Вояга етмаганлар - **1100** киши

↓ **36,3 %**

2017 йилга нисбатан

Жиноят содир этганлар орасида аввал жиноят содир этганлар 49,9% га, маст ҳолатда жиноят содир этганлар 30,6% га, гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар 37,4% га ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 36,3% га камайган.

2018 йилда жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони

Жиноят содир этган шахслар тоифалари бўйича

